

# Профессор-ўқитувчилар учун “Касбий фаолиятда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш” курсини ташкил қилиш ва дарс машғулотларини олиб бориш учун консультант хизматлари (қизиқишни билдириш учун сўров)

**Профессор-ўқитувчилар учун “Касбий фаолиятда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш” курсини ташкил қилиш ва дарс машғулотларини олиб бориш учун консультант хизматлари (қизиқишни билдириш учун сўров)**

**Ташкилот/Институт/Компания:** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

**Лойиҳа номи:** Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш

**Лойиҳа ID:** АИФ 2/16

## **ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИ ОЛИБ БОРИШ БЎЙИЧА КОНСУЛЬТАНТ ХИЗМАТЛАРИ**

ТИҚХММИ Жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикасида Олий таълимни модернизация қилиш лойиҳаси доирасида Академик инновациялар фондининг “Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш” лойиҳасини амалга оширмақда ва лойиҳа маблағларининг маълум бир қисмини консультант хизматлари учун сарфланиши режалаштирилган.

Консультант хизматлари “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети талабаларига дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни 2 гуруҳи (бир гуруҳдаги тингловчилар сони 12-16та) учун “Касбий фаолиятда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш” курсини ташкил қилиш ва дарс машғулотлари олиб боришни ўз ичига олади. Курс учун ажратилган аудитория юкмаси 72 соатни ташкил қилади ва дарс машғулотлари 8-12 ҳафта давомида олиб борилади. Курс Microsoft Office пакети дастурларини ўртача даражада биладиганлар учун, iSpring дастури, GoogleDocs ускуналари, Internet тизими, MOOC курслари, видеоматериаллар яратиш, Moodle дан фойдаланиш ва касбий фаолият билан боғлиқ АКТни бошқа мавзуларини ўз ичига олиши керак. Гуруҳларда дарслар кетма-кет ўтказилади ва 1-гуруҳ дарс машғулотларини 2021 йил апрел ойини биринчи ҳафтасидан бошлаш режалаштирилган.

ТИҚХММИ консультантлар ёки ташкилотлар/компанияларни юқоридаги хизматларни кўрсатиш учун қизиқишларини билдиришга таклиф қилади. Консультант курс дастурини ишлаб чиқиши, мавзулар бўйича презентациялар тайёрлаши, ТИҚХММИда тингловчиларга дарс машғулотлари олиб бориши, тингловчилар билимини тестлар орқали текшириб уларни якуний баҳолашда иштирок этиши керак. Консультант Жаҳон банкининг "Жаҳон банкдан қарз олувчилар томонидан консультантларни танлаш ва ишга олиш" (жорий нашр) қўлланмасида келтирилган тартиб-қоидаларга мувофиқ танланади.

Курсни ташкил қилиш ва дарс машғулотлари олиб боришга қизиқиш билдирган номзодлар ёки ташкилотлардан таклифларни (ҳужжатлар тўпламини) 2021 йил 29 мартга қадар муҳрланган конвертда лойиҳа офисига етказилишини таъминлаши сўралади. Ҳужжатлар тўпламида курс учун режалаштирилаётган маъруза ва амалий ишлар мавзулари мундарижаси, ишни ташкил қилиш бўйича қисқа режа ва бюджет, номзод консультант ёки ташкилот ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари ёки устав, CV/маълумотнома, дипломлари, сертификатлари ва бошқа ҳужжатлар нусхалари) бўлиши керак.

Қизиқиш билдирган консултантлар қуйида келтирилган электрон почта ёки телефон орқали қўшимча маълумотлар олиши мумкин.

**Манзил:**

ТИҚХММИ, В-бино, В-306, 310 хоналар

Қори Ниязов кўчаси 39 уй

Тошкент, 100000 Ўзбекистон

**Телефон:** 998 71 237 2534

**E-mail:** [aif-agr-eng@tiame.uz](mailto:aif-agr-eng@tiame.uz)

**Вебсайт:** <http://international.tiame.uz/ru/page/Oliy%20ta'limni>

**Техник координатор:** Мансур Амонов